



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 5 июль, № 137 (9032)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИ ЎРТА ВА УЗОҚ ДАВРДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИНИ ҚАЙД ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 2 — 4 июль кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари 4 июль кун

Хонкенди шаҳрида Иқтисодий ҳам

Президенти Масъуд Пезешкиён, Қир

Шариф, Қозоғистон Республикаси



дар, ИХТ бош котиби Асад Мажид

Хон ҳамда бошқа қатор давлатлар ва

зарб халқаро ва минтақавий муам

молар юзасидан фикр алмашилди.

золарни дипломатия ва конструктив

музокаралар йўли билан ҳал этиш му

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Сизлар билан қадимий Қорабоғ заминид

ноёб тарихий ва маданий меросни ўзида му

жассам этган кўркам Хонкенди шаҳрида кўри

шиб турганимиздан беҳад мамнунман.

Бугун ушбу ҳудуд том маънода бунёдкорлик

ва тинчлик маконига айланиб бораётгани чин

қардош сифатида бизни чексиз қувонтиради.

Айнан шу заминда Иқтисодий ҳамкорлик

ташкilotининг саммитини юксак даражада

ташқил этаётгани ва самимий қабул учун

Озарбайжон Республикаси Президенти

ҳурматли Илҳом Алиев Жаноби Олийларига

чуккур миннатдорлик ихсоз этаман.

Тошкентдаги тарихий саммитимиздан

кейин Ташкilotнинг институционал салоҳия

тини мустаҳкамлаш, янги йўналишларда ҳам

корликни йўлга қўйиш борасида сезиларли

ютукларга эришилди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ташкilotимиз

Шарқда юз берган воқеалар барчамизни

чуккур ташвишга солмоқда.

Халқро ҳуқуқ ва глобал хавфсизлик

институтларининг таназзули мулоқот ва ҳам

корликни янада заифлаштириб, куч ишлатиш

ва зўравонликка кенг йўл очмоқда. Хусусан,

Ташкilotимиз аъзоси бўлган Эрон Исло

миз Республикасига нисбатан олиб борилган ҳар

бий ҳаракатлар бутун минтақани уруш гирдо

бига тортиш, кенг миқёсдаги экологик ҳалокат

учоғининг вужудга келиш хавфини туғдирди.

Эрон ва Исроил ўртасида ўт очишни тўхтатиш

бўйича эришилган келишувни қўллаб-қувват

лаймиз. Ушбу қарорни минтақадаги кескин

ликни юмшатиш, хавфсизликни тиклаш йўли

даги муҳим қадам сифатида баҳолаймиз.

Бу келишув барча муаммоларни диплома

тик ва конструктив музокаралар йўли билан

ҳал этиш учун мустаҳкам замин яратишига

белгиланади. Шу боис Ташкilotимиз доира

сидаги шериклик бугунги кунда нафақат та

баний, балки муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Йиғилишимиз кун тартибидан келиб чиқиб,

бир қатор масалаларга эътиборингизни

қаратмоқчи эдим.

Энг аввало, биз Ташкilotимизнинг ўрта

ва узоқ даврдаги устувор ривожланиш йўна

лишларини белгилаб олишимиз керак.

Бу борада “Иқтисодий ҳамкорликнинг стра

тегик мақсадлари — 2035” концепциясини

қабул қилишимиз зарур. Хужжатда савдо,

инвестиция, транспорт, энергетика, саноат,

қишлоқ ҳўжалиги, экология, туризм ва таълим

каби анъанавий йўналишлар билан бирга,

инновациялар, сунъий интеллект ва рақамли

технологиялар соҳаларида ҳамкорликни ку

чайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ташкilotимиз доирасида товар ва хизмат

Сармовий ҳамкорлигимизни янги босқич

га олиб чиқиш, инвестиция муҳитини янада

шаффоф ва жозибадор қилиш мақсадида узоқ

муддатли “Экоинвест” дастурини қабул қилиш

ташаббусини илгари сурамиз. Бу дастурнинг

асосий мақсади минтақамиздаги истиқболли

лойиҳаларга хусусий инвесторлар, банклар

ва халқро молия институтларини кенг жалб

этиш, деб ҳисоблаймиз.

Яна бир устувор йўналиш. Сўнгги вақтда

ги геосиёсий воқеалар халқро логистика зан

жирларининг узилиш хавфи нақадар юқори

лиги ҳамда муқобил транспорт йўлакларини

шакллантириш стратегик аҳамиятга эга эка

нини яна бир бор исботлади.

Ўтган йили Хитой — Қирғизистон — Ўзбе

кистон темир йўли лойиҳасини амалга оши

ришни бошлаганимиз муҳим воқеа бўлди.

Келгусида ушбу магистраль тармоқ Трансаф

Истиқболда туризм соҳасида сайёҳлар

оқимини икки баробар ошириш учун етарли

салоҳиятга эгамиз. Ташкilot доирасида

туризм хизматларини кенгайтириш бўйича

“Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш айна шу эзгу

мақсадимизга хизмат қилади.

Эътиборингизни яна бир муҳим масалага

қаратмоқчиман.

Глобал иқлим кун тартибига киритилган ма

салалар юзасидан давлатларимизнинг инти

лиш ва саяё-ҳаракатларини бирлаштириш му

ҳимдир. Боқу шаҳрида муваффақиятли ўтган

COP-29 глобал иқлим саммитида қабул қилин

ган мажбуриятлар ва келишувлар тўлиқ амал

га оширилишининг қатъий тарафдоримиз.

Ташкilot доирасида чўл ҳудудларида

ўрмонлар ташқил қилиш, рекреация зоналар

ини барпо этиш бўйича Трансчеғаравий

“яшил дастури”ни ишлаб чиқишни таклиф

Ушбу сонда:

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТИМСОЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан яратилган Ватанимизнинг ижобий имижига ҳақида ўйлар



ДЕҲҚОН МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПАЁТГАН ЮРТ



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.



ПАРКЕНТ УЙҒОНГАНЛАР
ВАТАНИ БЎЛСИН!



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИ ЎРТА ВА УЗОҚ ДАВРДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ҚАЙД ЭТДИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шу билан бирга, Фаластин — Исроил зиддиятини адолатли ҳал этмасдан туриб, Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорликка эришиб бўлмаслиги таъкидланди.

Йигилиш кун тартибига ўтар экан, Ўзбекистон Президенти қатор долзарб масалаларга эътибор қаратди.

Аввало, ташкилотнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ривожланишининг устувор йўналишларини илгари суриш мақсадида «Иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик мақсадлари — 2035» концепциясини қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди. Хужжатда аънавий йўналишлар билан бир қаторда инновациялар, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Айниқса, товарлар ва хизматлар савдосини соддалаштириш, техник ва нотариф тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш, электрон тижоратни ривожлантириш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Бу борадаги стратегик масалаларни муҳокама қилиш ва Савдони соддалаштириш тўғрисидаги битимни

қабул қилиш учун жорий йилда Тошкент шаҳрида савдо вазирларининг учрашувини ўтказиш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги махсулотлари савдоси бўйича тезкор ахборот алмашиш ва уларни тўсиқсиз етказиб бериш учун «яшил йўлақлар» тизимини яратиш ташаббусини илгари сурди.

Инвестициявий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, янада шаффоф ва жозибадор инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида узоқ муддатли «Экоинвест» дастурини қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

— Бу дастурнинг асосий мақсади минтақамиздаги истиқболли лойиҳаларга хусусий инвесторлар, банклар ва халқаро молия институтларини кенг жалб этиш деб ҳисоблаймиз, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Ҳозирги геосиёсий шароитда муқобил транспорт йўлакларини шакллантириш стратегик устувор вазифадир. Истиқболли Трансафгон йўлагига туташтирилиши мумкин бўлган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси кенг минтақадаги транзит тармоқларини самарали боғлаш имконини бериши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари транспорт-логистика соҳасини рақамлаштириш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш мақсадида Рақамли транспорт ва божхона идорасини ташкил этишни тезлаштириш таклифини ҳам илгари сурди.

— Минтақада янги авиақатновлар йўналишларини очиш, авиакомпаниялар ўртасида инновацион ҳамкорлик шакллари йўлга қўйиш, туризм ва авиация соҳалари ўртасида маркетинг бўйича интеграциялашган стратегияларни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан биридир, — деди Ўзбекистон раҳбари.

Шу масалаларни муҳокама қилиш учун жорий йилда Самарқандда Миллий авиакомпаниялар форумини ўтказиш таклиф қилинди.

Сайёҳлар оқимини икки баробар ошириш учун катта салоҳият борлиги кўрсатиб ўтилди. Ташкилот доирасида туризм хизматларини кенгайтириш бўйича «Йўл харитаси» қабул қилиниши бунга хизмат қилади.

Глобал клим кун тартибидagi масалаларда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлигини қайд этиб, Президентимиз чўл ҳудудларида ўрмонлар ташкил қилиш ва рекреация зоналарини барпо этиш бўйича

Трансчегаравий «яшил дастур» ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Ўзбекистон етакчиси Юқори даражадаги кўмита ишни ижобий баҳолаб, унга келгуси саммитга қадар ИХТ фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар тайёрлаш вазифасини топширишни таклиф қилди.

— Ислохотлар ҳамкорлигимизни янги босқичга олиб чиқиш, Ташкилотнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада оширишга хизмат қилади, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида ушбу саммит Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги кўп қиррали амалий ҳамкорликка кучли суръат бағишлаши ва янги босқични бошлаб беришига ишонч билдирди.

Хонкенди шаҳридаги Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Бош вазир Шайхбоз Шариф билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик муносабатларини қабул қилинган «Йўл харитаси» асосида янада кенгайтириш ва мустаҳкам-

лашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Турли даражалардаги мулоқотлар фаол кеңаштаниш мамнуният билан қайд этилди. Узаро савдо ҳажми, қўшма корхоналар ва тўғридан-тўғри авиақатновлар кўпаймоқда. Карачи ва Лаҳорда савдо уйлари ташкил этилган.

Савдо-иқтисодиёт, инвестиция ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги кооперация лойиҳалари ва дастурларини жадаллаштириш, шу жумладан, Трансафгон темир йўли қурилишини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда ўтказилиши режалаштирилган Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва бизнес форумини самарали ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчилари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи дастури самарали тадбирларга бой бўлди.

Давлатимиз раҳбари 2 июль куни Боку шаҳрида Озарбайжон

Президенти Илҳом Алиев билан музокаралар ўтказди.

Давлатлараро олий кенгашнинг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари ҳамда амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ташриф доирасида ҳамкорликнинг турли йўналишлари бўйича икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами имзоланди.

Етакчилар Боку шаҳрида биргаликда «Ўзбекистон» боғига асос солди-лар ва Ўзбекистон элчихонасининг янги биносини очди-лар, «Sea Breeze» дам олиш маскани фаолияти билан танишди-лар.

3 июль куни Ўзбекистон Президенти Озарбайжон Президенти ҳамроҳлигида Хонкенди шаҳридаги қўшма тикувчилик фабрикаси фаолияти ҳамда Ағдам шаҳридаги «Иморат» тарихий-меъморий мажмуаси билан танишди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи якунланди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТИМСОЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан яратилган Ватанимизнинг ижобий имижига ҳақида ўйлар

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Имиж сўзи инглизча *Image*, лотинча *Imago* — тимсол, кўриниш маъноларини ифодалайди. Шахс ёки ҳодисани омма-лаштириш мақсадида одамларга ҳиссий, руҳий таъсир кўрсатишни кўзлаб шакл-лантириладиган қиёфа, тарғиб қилиш воситаси.

Президентимизнинг Озарбайжон-га ташрифи доирасидаги уч муҳим нукта эътиборимни ўзига тортди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи доирасида Боку шаҳрида “Ўзбекистон” боғига тамал тоши қўйилди. 4,5 гектар майдонда Ўзбекистоннинг бой маданияти ва аънавларини намоён этадиган улкан мажмуа барпо қилинди.

Тарихий ташриф давомида Президентлар Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчихонасининг янги биносини очди.

Президентимиз Озарбайжонга давлат ташрифи доирасида Фузулий шаҳрида ҳам бўлди. 2023 йил август ойида икки мамлакат етакчилари Фузулий шаҳрида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан биродар халқларимизнинг мустаҳкам дўстлик рамзи сифатида Мирзо Улугбек номидаги замонавий мактабга асос солган эди...

Халқаро миқёсда Ўзбекистоннинг ижобий имижини яратиш Шавкат Мирзиёевнинг улкан мақсадларидан бири эканига шак-шубҳа йўқ, албатта. Бу тарихий жараённинг шитоб билан да-

вом этаётгани ҳар биримизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Биз мустақиллигимизнинг дастлабки 25 йиллида жаҳон ҳамжамияти назарида, Марказий Осиё нуктаи назаридан қаралса, ишонсиз қўшни, Туркий давлатлар ташкилоти нуктаи назаридан ажралиб қолган давлат, халқаро экспертлар фикрига кўра мустабид тузум иллатларидан тўла қутула олмаган, ўз позицияси-га эга бўлмаган мамлакат сифатида кўрилганмиз.

Ўзбекистон бошқаруви-га келган Президент Шавкат Мирзиёев бундай салбий қарашларга бутунлай барҳам берди. Ташқи сиёсат борасидаги бош мақсад — Ўзбекистоннинг ижобий имижини яратишга қаратилди.

Тарихан қисқа даврда Ўзбекистоннинг ижобий имижини намоён этишга қаратилган концепция яратилди, ишлай бошлади.

Тўғри, бунга осонликча эришилмади. Фақат Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси ҳал этувчи омил бўлиб хизмат қилди. Биз буни Озарбайжон ташрифи доирасида яна бир бор чуқур англаб етдик.

Ўзбекистон томони ижобий имиж яратиш борасида, асосан, қўйидаги та-моилларга амал қилиб келмоқда:

Биринчидан — ҳамкорларнинг манфаатларини устун қўйиш, фикрларига

ҳурмат билан қараш, ички ишларига ара-лашмаслик, биринчи бўлиб кўл узатиш, биринчи қадамни ташлаш;

Иккинчидан — тарихий аъналарга содиқлик, қардошлик тамойилларини улуғлаш, қўшничилик талабларига сўзсиз амал қилиш;

Учинчидан — гегемонлик васвасаси-дан воз кечиш, ўз куч ва қудратини на-моён қилмаслик, манфаатлар мувозана-тини эътибордан четда қолдирмаслик;

Тўртинчидан — самимийлик, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик, ҳамжихатлик туй-ғуларининг устуворлиги.

Бунга энг ёрқин, янги бир мисолни келтириб ўтишни ўринли деб ўйлайман.

Ўзбекистоннинг Боку шаҳрида жойлашган элчихонаси янги биноси-даги заллар Ўзбекистон ҳудудлари номи билан аталган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқларимиз ўрта-сидаги дўстлик ва ҳамжихатлик рам-зи сифатида заллардан бирига Қора-боғ номини беришни таклиф этди.

Бу қутилмаган фикр, таклиф бутун Озарбайжон халқини қувонтирганга, қалбини ларзага солганига ишонаман.

Ўзбекистоннинг ижобий имижига биз учун қанчалик муҳим, зарурат ва эҳтиёж эканини биламизми?

Бугунги дунёда ўзаро муносабатлар анча мураккаблашди. Глобаллашув ўз домига қадриятларни тортмоқда. Кечу-рун ҳукмронлик қилган сиёсат тонига бо-риб ўзгармоқда. Ўз моҳиятини, қийма-тини йўқотмоқда. Ҳатто қудратли мам-лакатларнинг ҳам халқаро миқёсдаги об-рўси пасайиб кетаётганини кўряпмиз. Сўзи, ҳукми заифлашиб бораётганига

ғувоҳ бўляпмиз. Дағдаға ва кўрқитиш-лар билан мақсадга эришиб бўлмасли-гини ҳаётнинг ўзи кўрсатаяпти.

Бугунги дунё ҳақида ўйлаганимда Ўзбекистон раҳбарининг узоқни кўзлаган, жаҳон дипломатиясида янгилик бўлган ташаббус ва ғояларидан фахрланаман.

Бугун ўзбекистонлик Европада бора-димми, Америкагами, Осиёгами — қаер-да бўлмасин, уни ҳамма олқишлар би-лан қутиб олади. Ўзбекистонликлар учун очилмайдиган эшикнинг ўзи йўқ.

Президент Шавкат Мирзиёев бошчи-лигида халқимиз бунга атиги 4-5 йил ичида эришди.

Бугун жаҳонда Ўзбекистон деганда — тинчликпарвар, инсонпарвар мамлакат намоён бўлади. Халқаро ҳуқуқнинг тенг иштирокчиси, халқаро ташкилотлар нук-таи назарида яқин ҳамкор давлат гав-даланади.

Мамлакатнинг ижобий имижига халқаро спорт мусобақаларида, олимпиадаларда, илм-фан ривожига, туризмда, иқтисоди-ётда, инвестиция жалб этишда, халқаро молия институтлари ишончини қозониш-да жуда муҳим ўрин тутди.

Озарбайжонда “Ўзбекистон” боғи яратилиши, янги элчихона биносининг қад ростлаши жаҳон ҳамжамияти эъти-борини ўзига тортмасдан қолмайди.

Бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистоннинг янги тимсолини яратиш борасидаги яна бир муҳим қадамидир.

Рустам ХОЛМУРОВОВ, Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

БАРҚАРОРЛИК ВА БИРДАМЛИК — АСОСИЙ МАҚСАД

Президентимизнинг Озарбайжонга амалга оширган давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик, дўстлик ва иттифоқчилик муносабатларида янги даврни бошлаб берди.

Президентлар ҳузурида имзоланган аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш, фан, касб-хунар ва олий таълим соҳала-рида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимлар, 2025-2026 йилларга мўлжал-ланган саноат кооперацияси ҳамда 2030 йилга қадар товар айирбошлашни 1 млрд. дол-ларга етказиш дастурлари, 2025 — 2027 йилларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъми-ноти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича амалий ҳаракатлар режаси каби келишувлар ташрифининг иш-чан аҳамиятини намоён этади.

Бугунги кунда икки давлат ўртасида 300 га яқин қўшма корхоналар фаолият юритмоқ-да, лойиҳалар портфели эса 4 млрд. долларга етиб, савдо ҳажми 25 фоизга ошган. Бу лойиҳалар икки мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва экспорт са-лоҳиятини ошириши, иш ўрин-лари яратиши билан нафақат Тошкент ва Боку, балки Тош-кент вилояти ва Сумгаит шаҳ-ри, Навоий ва Габула шаҳар-ларини ҳам фаол иқтисодий шерикларга айлантирмоқда.

Қолаверса, Ўзбекистон юк-ларининг Озарбайжон орқали Европада транзити 25 фоизга ошгани логистика йўналиши-даги ҳамкорликнинг ёрқин на-мунасидир. Март ойидан буюн электрон русатномаларнинг жорий этилиши йўл ҳаракати-ни янада шаффофлаштирди. Бу икки давлатнинг минтақа ва Европа боғлиқлигидаги роли-ни кучайтириши табиий.

Шунингдек, электр энергия-сини Европада экспорт қилиш-га қаратилган лойиҳалар “ашил” энергетика соҳасида ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқади. Бу нафақат эко-логик барқарорлик, балки янги валюта тушумлари манбаи сифатида ҳам муҳим.

Бугун халқаро ҳамжамият жиддий инқирозлар, хавф-ха-тарлар ва зиддиятлар гирдо-бига кириб бормоқда. Гео-сиёсий тартибнинг издан чи-қиши, ҳарбий тўқнашувлар ва глобал институционал тизим-нинг заифлашуви ортидан на-фақат сиёсий, балки ижти-моий, экологик ва иқтисодий барқарорлик ҳам синовга дуч келмоқда. Ана шундай бир ва-зиятда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Иқтисодий ҳам-корлик ташкилоти саммитида-ги нутқи ва илгари сурган та-шаббуслари нафақат минтақа, балки бутун дунё учун муҳим сиёсий ва амалий аҳамиятга эга.

Давлат раҳбари ўз нутқида халқаро низолар, хусусан, Яқин Шарқдаги ҳарбий тўқна-шувлар ва Эрон — Исроил зиддиятига алоҳида эътибор қаратиб, тинчликни тиклашда мулоқот ҳамда дипломатик ёндашувнинг ўрни муҳим экани-ни таъкидлади. Бу халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги, куч иш-латишга эмас, келишувга асосланган муносабатларнинг қўллаб-қувватланаётгани бел-гисидир.

Ядровий қуролдан холи ҳудудлар географиясини кен-гайтиришга оид таклиф эса глобал хавфсизликни таъмин-лашда Ўзбекистоннинг тамо-мила конструктив, прагматик ва инсонпарвар ёндашувга эга эканини яққол намоён этади.

Яна бир ташаббус — “Иқти-содий ҳамкорликнинг страте-гик мақсадлари — 2035” кон-цепцияси эса савдо, инвести-ция, транспорт ва рақамли технологиялар каби соҳалар-ни қамраб олган ҳолда ташки-лот фаолиятини янги босқич-га олиб чиқишга хизмат қила-ди. Бунда, айниқса, электрон савдонинг ривожлантириш, но-тариф тўсиқларни бартараф этиш, “яшил йўлақлар” тизи-ми каби ташаббуслар минта-қавий иқтисодий интеграция-ни чуқурлаштиришга хизмат қилади. Бу эса айни мураккаб геосиёсий вазиятда иқтисодий барқарорликни таъминлаш-нинг энг тўғри ва узоқ муд-датли йўлидир.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги фаол ҳамкорлик нафақат икки давлатнинг ҳам-жихатлигини, балки Евроосиё-да иқтисодий ва сиёсий бир-дамликни мустаҳкамлайди. Ўрта йўлак коридорининг ри-вожи — Марказий Осиё ва Кавказни Европада боғловчи мустаҳкам логистика йўлагини шакллантиради.

Президентимизнинг Озар-байжонга амалга оширган давлат ташрифи стратегик та-раққиёт ва халқлар манфаати-га қаратилган янги даврнинг бошланишидир. Бу ҳамкорлик бутун минтақа тақдирини ўзгартириш салоҳиятига эга. Шу боис Ўзбекистон ва Озар-байжоннинг қўшма лойиҳа-лари, сиёсий яқинлиги, тарихан қардошлиги янги геосиёсий ва иқтисодий архитектурадаги муҳим таянчлардан бирига айланмоқда.

Гулнорахон АБДУВОҲИДОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ЮВЕНАЛ АДЛИЯ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

Хуқуқшуносликда “ювенал адлия” (Juvenile Justice) тушунчаси маъжуд. У болалар хуқуқбузарлиги, содир этганлиги учун болаларни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган жиноят турлари ва хуқуқбузар болалар учун мўлжалланган муассасаларда болаларга қилинадиган муомала усуллари ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўллари каби мавзулар қамраб олиннадиган кенг тушунчадир.

Йиғилиш

Парламентлараро Иттифок турли мамлакатлар парламент-лари-га ювенал адлияга алоқа-дор қонун ҳужжатларини тако-миллаштириш таклифларини илгари сурган бўлиб, улардан балоғатга етмаган болалар-нинг жиноят сифатида баҳо-ланмайдиган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун уларга жиноятчи-дек муомала қилин-маслиги, жиноят содир этиш-да айбланаётган балоғатга ет-маган болалар Бола хуқуқла-ри тўғрисидаги конвенциянинг суд жараёнига тааллуқли 40-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган қафолатлардан фой-далана олишга қодир бўлиши, уларнинг ҳуқуқий ёрдам олиш-

га бўлган ҳуқуқлари ва ишни қўриб чиқишнинг барча бос-қичида махфийликнинг ҳуқуқий тан олинishi каби талаблар ўрин олган.

Мамлакатимизда ҳам юве-нал адлия тизимини ривожлан-тириш, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатларни қамраб олувчи комплекс ёндашувни қўллаш ҳамда идоралараро самарали ҳамкорликни таъминлаш мақ-садида Олий Мажлис Сена-тининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалала-ри кўмитаси томонидан таж-рибали мутахассислардан ибо-рат идоралараро ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Ушбу гуруҳнинг асосий ва-

зифаси болаларга нисбатан одил судлов соҳасида миллий қонунчиликнинг халқаро стан-дартларга мувофиқлигини таҳлил қилиш ҳамда идора-лараро ҳамкорликни кучайти-ришдан иборат.

Кеча ишчи гуруҳнинг даст-лабки йиғилиши ўтказилиб, унда одил судлов соҳасида миллий қонунчиликни таҳлил этиш, халқаро стандарт ва тажрибаларни ўрганиш, мақбу-лийни имплементация қилиш, ушбу йўналишдаги чора-тад-бирларни белгилаш ва уни амалга ошириш каби масала-лар муҳокама этилди.

Йиғилиш давомида ЮНИСЕФ-нинг Ўзбекистондаги ваколат-хонаси болалар ҳимояси бўйи-ча мутахассисининг мавзуга доир тақдимоти ўтказилди ҳамда ишчи гуруҳ аъзолари-нинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари эшитилди.

Билдирилган тақдирлардан келиб чиқиб, ишчи гуруҳнинг чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Хитойнинг Шэньян шаҳрида ШХТ шафелигида ўтказилаётган Халқ дипломатияси ва Биродарлашган шаҳарлар форумларида Ўзбекистон вакиллари фаол қатнашмоқда.

Сенатор ва ҳаёт

МУАММОЛАР ЖОЙИДА ЕЧИМ ТОПДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова навбатдаги фуқаролар қабулини ўтказди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан келган 50 нафардан ортиқ кишиларнинг муаммолари, тақлиф ва муурожаатлари эшитилди.

Очиқ мулоқот шаклида бўлиб ўтган тadbирда аксарият муурожаатлар моддий ёрдам, уй-жой, коммунал хизматлар, тadbиркорлик, кадастр ҳамда прокуратура ва суд ишларига оид бўлди.

Қабул давомида фуқароларнинг айрим муаммолари жойида мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари билан боғланиб, ижобий ҳал этилди.

ИННОВАЦИОН ТИЗИМ СИНАБ КЎРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова Тошкент шаҳрининг Миробод туманида бўлиб, ижтимоий масалалар юзасидан ўрганишлар олиб борди.

Тadbир доирасида худуддаги Халқ қабулхонасида туман ҳокими А. Сайфутдинов раислигида сайёр қабул ташкил этилди.

Қабул давомида аҳоли томонидан келиб тушган ички йўллари таъмирлаш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, суғориш тизимларини тиклаш, ташландиқ худудларни тозалаш ҳамда аҳолининг кундалик турмушига таъсир этувчи бошқа масалалар юзасидан муурожаатлар тингланди ва ҳал қилиш чоралари кўрилди.

Мавжуд муаммоларни барараф этиш мақсадида тегишли туман ташкилотлари раҳбарлари, маҳалла фаоллари ва

халқ депутатлари туман Кенгаши аъзоларига аниқ вазифалар юклатилди.

Бундан ташқари, сенатор ўрганишлари давомида Салор маҳалласини ободонлаштиришга қаратилган лойиҳа билан танишди. Маҳаллада куёш панеллари ёрдамида дарaxт ва қўчатларни суғориш тизими жорий этилган. Мазкур инновацион тизим Салор канали устига ўрнатилиб, синов тартибда муваффақиятли ишлатилди.

Ўрганиш якунида тизим самарадорлигини ошириш ҳамда экологик муҳитни яхшилаш мақсадида қўшимча амалий чора-тadbирлар белгиланди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ТИНГЛОВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан “Қонун устуворлиги — ҳар қандай демократик жамиятнинг асосий устуни” мавзuida давра суҳбати ўтказилди. Унда депутатлар, Судьялар олий мактаби тингловчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.



Тadbирда барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари, фракциялар, қўмиталар фаолияти, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан “Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Иккинчи ўқишга тайёрланаётган мазкур қонун лойиҳаси билан озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги йўналишидаги санитария чоралари, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш тартиби ЖСТ битими талаблари билан уйғунлаштирилмокда.

Озиқ-овқат маҳсулоти ва озуқанинг хавфсизлигига қўйиладиган умумий талаблар, озиқ-овқат бизнеси операторларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари назарда тутилган.

Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотининг хатарлар таҳлили ва критик назорат нуқталари тизими

ҳокимияти мустақиллигини ҳамда фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда, фуқаро ва тadbиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини қучайтириш имконини бергани қайд этилди.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган давра суҳбатида Судьялар олий мактаби тингловчилари бўлиб ўтган учрашувларда миллий қонунчилик тизимига, давлат бошқаруви органларининг иш услубига бўлган қизиқишни янада оширганини таъкидлашди.

Тadbир якунида иштирокчилар Қонунчилик палатасининг катта мажлислар зали, Парламент кутубхонаси ва музейи фаолияти билан яқиндан танишди.

асосида доимий тартибларни ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва қўллашга қўйиладиган талаблар белгиланмокда.

Ишчи гуруҳ йиғилишида депутатлар томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича берилган тақлиф ва фикр-мулоҳазалар қучур таҳлил қилинди. Ундаги нормалар маромига етказилди.

Шу билан бирга, белгиланаётган нормаларнинг қонунчиликка муаносиблиги ҳам кўриб чиқилди. Масъул қўмитада қонун лойиҳасини такомилга етказиш ишлари давом этмокда.

«Халқ сўзи».

Даъват



Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Чотқол тоғидаги чироқдир Паркент, Поклик қайнаб ётган булоқдир Паркент, Куёш нурун тутган маёқдир Паркент, Элин дилу жони эъозга тўлсин, Ўзи уйғонганлар Ватани бўлсин!

Келинг, ўтмишдан сўйламай майли, Армони бўйига бўйламай майли, Ўртбоши ташрифи юксалиш сайли, Боғи энди бағрин чамани бўлсин, Паркент уйғонганлар Ватани бўлсин!

Тошнинг томирига гул эккан боғбон, Ер билан тиллашиб, дил тўккан деҳқон, Бу ўша паркентлик, ҳазрати инсон, Гулзорин хуш сумани бўлсин, Паркент уйғонганлар Ватани бўлсин!

Етти кент Паркентнинг етти гавҳари, Етти кентнинг аҳли кишмиш заргари, Улар боғбон, соҳибкорлар сарвари, Кўриб яшнагайсиз “Ризамат” тусин, Паркент уйғонганлар Ватани бўлсин!

“Олтинбел” Чотқолнинг олтин белидир, Ўзанин ўпирган сойлар селидир, “Олтинбел” чиройи гилос гулидир, Ўртбошин яйратган боғлар барқ урсин, Паркент уйғонганлар Ватани бўлсин!

Бобур нигоҳида нури қолган юрт, Восифий мадҳида дури қолган юрт, Ҳожа Аҳрор Валий изидаги қут, Асрлар унутмас, дуосин сасин, Паркент уйғонганлар Ватани бўлсин!

Янги Ўзбекистон — тилаклар янги, Ўзбек чўғин тутган юраклар янги, Ўрт бўйлаб таралар бахтнинг оханги, Тоғлик йигитларнинг самани бўлсин, Паркент уйғонганлар Ватани бўлсин!

Ўртбоши юзидан нур ёғилади, Изидан барака, дур ёғилади, Аҳли Паркент хушлаб, умрин тилади, Деди: “Паркент бойлар тумани бўлсин”, Аввал уйғонганлар Ватани бўлсин!

Хушёрлар ҳамиша Ҳаққа хуш ёқар, Ҳалоллар, шубҳасиз, халққа хуш ёқар, Уйғоқлар дилида дарёлар оқар, Туроннинг Сир, Аму дарёси тўлсин, Паркент уйғонганлар Ватани бўлсин!

Электропоезд янги йўлида, Қувончин кутлови Паркент элида, Шукрона дилида, дуо тилида, Мудом паркентликлар толеи кулсин, Ўзи уйғонганлар Ватани бўлсин!

Жаннат боғларининг парчаси Паркент, Ўз очган офтобнинг дарчаси Паркент, Ўзумлик излаган қанчаси, Паркент, Гул ёнида янтоқ кўрганлар юсин, Паркент уйғонганлар Ватани бўлсин!

Паркент аҳли қалқиб оёққа турсин, Виждонин юзини чироқда кўрсин, Уйғоқмисиз, деган, сўроқда кўрсин, Аллоҳ ёрлақан тумани бўлсин, Паркент уйғонганлар Ватани бўлсин!

Паркент тоғларини тўлғотди куёш, Тонг отди, оламини уйғотди куёш, Фафлат болишида ётма, ватандош, Паркент Ўзбекистон чамани бўлсин, Албат, уйғонганлар Ватани бўлсин!



Деҳқон ерга дон сочаркан, кун санайди. Уруғни беҳато ундириб олиш, галла майсалари бир текис ўсиши учун озмунча тер тўкадимиз? Мураккаб об-ҳаво шароитидан тортиб, энг керакли агротехника тadbирларини қўллашгача бўлган жараёнлардан ўтиш осон кечмайди, албатта. Энг муҳими, улар ўзларининг туну кун қилган ҳалол меҳнатлари самарасини ҳосил пишиб етилиб, ўз вақтида ўриб-йиғиб, хирмонга тўкилган дамда, асосийси, белгиланган режалар ошириб удаланганча, юзлари ёруғ бўлади.

Мавсум

Ва шундагина фермернинг кўнгли хотиржам тортади.

Шу маънода, бугунги мураккаб глобал иқтисодий шароитда, айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги дунё миқёсида энг долзарб масалага айланиб бораётган бир пайтда, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида мавжуд ресурслар ва имкониятлардан умумли фойдаланган ҳолда, янги Ўзбекистонимизнинг бу йилги улкан галла хирмони омилкор деҳқон ва фермерлар, галлачилик кластерлари, сувчилар ва агрономлар, механизаторлар ҳамда соҳанинг фидойи олим ташрибали мутахассисларининг заҳматли меҳнатлари эвазига яратилганини мамнуният билан таъкидлашни истардик.

Эришилган улкан ютуқларимиз замирида, албатта, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимиз аграр соҳасида, хусусан, қишлоқ хўжалигининг галлачилик тармоғида амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишлар, изчил ислохотларнинг амалий натижаси муҳассас.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг ажралмас бир қисми ўлароқ, интеграцион жараёнларнинг ҳозирги қучуралушуви шароитида халқаро бозорларда кузатилаётган салбий тенденциялар, дунё миқёсида давом этаётган сиёсий, иқтисодий мураккаб вазиятга қарамаздан мамлакат қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойиллари изчил жорий қилинмокда.

Президентимизнинг қатъий иродаси, узок истикбол кўзланган саяй-харақатлар туфайли галла бозорини эркин-

лаштириш йўлида жиддий ислохотлар амалга оширилди. Ва муболағасиз айтиш мумкин, айнан бу борада тарихий қарор қабул қилинган, галла ҳосилини давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархлари қўлланилиб, галлачиликка ихтисослаштирилган кластерлар ва фермерларга бугдойни бозор нархида тўлиқ эркин сотиш ҳуқуқи берилди. Бу эса, аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасини эркинлаштириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди.

Давлат раҳбари қайта-қайта таъкидлаётган ҳаётий иборани бир эсланг-а: “Қачонки фермер бой бўлса, халқ ҳам бой бўлади”. Биз тўла ишонч билан айта оламизки, бугун фермерларимиз эришаётган ютуқлар ушбу ҳақиқатни яна бир бор исботламокда.

Айтиш жоизки, 2020 йилдан эътиборан давлат буюртмаси асосида бошқоқли дон етиштириш амалиёти бекор қилиниб, соҳада босқимча-босқич бозор тамойиллари жорий этилди. Фермер хўжалиқларига галла етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредит маблағларидан эркин фойдаланиш ҳамда хизмат кўрсатувчи ва ресурс етказиб берувчиларни ихтиёрий танлаш ҳуқуқи берилиши, шунингдек, дон харири қилиш ҳамда сотишда биржа механизмининг жорий этилиши юқори манфаатдорликни таъминламокда.

Давлат ресурси ва биржа савдоларида сотиш учун галла топшириш кўпроқ манфаат келтираётганини

фермерларимиз амалда ҳис этмокда. Президентимиз томонидан галлакорларнинг фидокорона меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида 2025 йил ҳосилидан бошлаб маҳсулот етиштириш харажатларини молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар амалдаги 12 фоиздан 10 фоизгача туширилгани ҳолда, тўғридан-тўғри фермер хўжалиқларига ахратилиш тартиби жорий қилинганини алоҳида эътироф этиш лозим. Шунингдек, сув тежовчи технологиялар қўллаш учун субсидия ажратилиши натижасида ёмғирлатиб суғориш тизимлари ўрнатилган галла майдонлари кенгайтирилди.

Бундан ташқари, соҳа олимларининг илмий тавсиялари ҳамда галла экиш ва етиштиришнинг ҳар бир босқичида ўтказилган ўқув-амалий семинарлар, галлакорлар таъбири билан айтганда, об-ҳавонинг қулай келиши мўл ҳосил етиштириш имконини берди.

Ўртбошимиз томонидан қабул қилинган тегишли Фармон ва қарорлар орқали фермер ҳамда қишлоқ хўжалиги субъектлари учун катта имконият ва имтиёзлар яратилди. Хусусан, 2025 йилнинг ўтган даврида қатор имтиёз ва ваколатлар берилди.

Биринчидан, солиқ юки енгиллаштирилди. Яъни давлат раҳбари томонидан 2025 йил 19 мартда имзоланган Фармонга мувофиқ, фермер хўжалиқларининг солиқ қарздорлиги бўйича ҳисобланган пенялар ҳисобдан чиқарилиди, ижро ишлари тўхтатилди.

Иккинчидан, Президентимизнинг 2025 йил 28 мартдаги қарорига биноан, пахтачиликда гектаридан 50 центнер, галлачиликда эса 80 центнердан юқори ҳосил олган фермерларга қўшимча имтиёзлар жорий этилди.

Яъни ижарага олинган ерларнинг 25 фоиз қисмига алмашлаб экиш ҳуқуқи (чорва озукаси, сабзавот, мойли экинлар) берилди, фермерлар кенгаши аъзолик бадали 0,6 фоиздан 0,3 фоизга туширилди, ер солиғида базавий ставкага нисбатан мутаносиб равишда 3 қаррагача камайтирувчи ко-



Давлат раҳбари қайта-қайта таъкидлаётган ҳаётий иборани бир эсланг-а: “Қачонки фермер бой бўлса, халқ ҳам бой бўлади”. Биз тўла ишонч билан айта оламизки, бугун фермерларимиз эришаётган ютуқлар ушбу ҳақиқатни яна бир бор исботламокда.

эффицентлар қўллашга рухсат берилди. Бундай гамжўрлик ва юксак эътибордан руҳланган фермерлар бу йил галладан 80 центнер ва ундан ҳам юқори ҳосил олишга бел боғлаб, 2025 йил ҳосили учун жами

997 минг гектар сувли майдонларда кузги бошқоқли дон экинлари экиб, обитобида парвариш қилди. Бунда соҳа мутахассислари томонидан ўқув-семинарлар ташкил этилиб, фермер ва деҳқон хўжалиқларининг билим ва кўникмалари ошириб борилгани айлани муддао бўлди.

Шу билан бирга, экиш мавсуми ўтган йиллардагига нисбатан 10 — 12 кун эрта якунланиб, октябрнинг учинчи 10 кунлиги ва ноябрь ойидаги ёгингарчиликлар ҳисобига асосий галла

майдонларида экин тупроқнинг табиий намига ундириб олинди. Қолаверса, март — май ойларида азотли минерал ўғитлар билан 3 марта ҳамда макро-микроўғитларга бойитилган биостимуляторлар билан суспензия усулида 4-5 марта баргидан озиклантирилгани мағзи тўқ ва мўл ҳосилга мустаҳкам



пойдевор бўлди. Натижада Ромитан, Вобкент, Дўстлик, Мирзачўл, Пахтакор, Касби, Косон, Нишон, Қамаш, Қизилтепа, Каттақўрғон, Оқдарё, Иштихон, Пахтачи, Ангор, Жарқўрғон, Қизирик, Термиз, Узун, Бўка, Пискент, Фуркат, Учқўприк, Богот, Гурлан, Хонқа, Ҳазорасп туманларида ўртача 86 — 90 центнердан, Жондор, Қорақўл, Арнасой, Шароф Рашидов, Зарбдор, Муборак, Миришкор, Ғузор, Навбахор, Тўрақўрғон, Уйчи, Наманган, Норин,

пойдевор бўлди. Натижада Ромитан, Вобкент, Дўстлик, Мирзачўл, Пахтакор, Касби, Косон, Нишон, Қамаш, Қизилтепа, Каттақўрғон, Оқдарё, Иштихон, Пахтачи, Ангор, Жарқўрғон, Қизирик, Термиз, Узун, Бўка, Пискент, Фуркат, Учқўприк, Богот, Гурлан, Хонқа, Ҳазорасп туманларида ўртача 86 — 90 центнердан, Жондор, Қорақўл, Арнасой, Шароф Рашидов, Зарбдор, Муборак, Миришкор, Ғузор, Навбахор, Тўрақўрғон, Уйчи, Наманган, Норин,

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган галлачиликни ривожлантириш орқали аҳолининг дон маҳсулотларига талабини тўла қондириш мақсадида суғориладиган экин майдонлари кенгайтирилиб, серҳосил, истикболли навлар яратилаётгани боис ҳосилдорлик йил сайин ошиб бормокда. Бинобарин, фермерлар нафақат иқтисодиёт локомотиви, балки юртининг ободлиги, Ватан равнақи, халқ маъмуричилиги йўлида астойдил жон куйдирадиган билимдон, сиёсий етук кишилар сифатида шаклланиб бораётгани туфайли мамлакатимизнинг бахтли истикболи йўлида қилинаётган эзгу ишлар ана шундай юксак самаралар бераётир.

Зокир АЛЛАМУРАДОВ, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ёлим бошлиғи.

Наманган вилоятида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритувчи масъуллар учун Минтақавий ўқув-тренинг маркази очилди.

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРИМИЗ –
МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Жумлаи жаҳонда ҳар қайси миллатнинг ўз тили, дини ва қадриятлари каби миллий либослари ҳам ўзига хос бўлиб, улар турли шаклда намоён бўлади. Худди шундай: инсонларнинг шаклу шамойили, юз кўриниши, овози, борингки, ички ва ташқи дунёси турфа бўлганидек, кийиниш маданияти-да бир-биридан фарқ қилади.

Долзарб мавзу

Ўзбек миллий либослари эса ҳар хил иқлим инжиқликларига мос келади. Киш фаслида танани совуқдан ҳимоя қилибгина қолмай, бир вақтнинг ўзида кишининг пурвиқор қиёфасини ўзида акс эттиради. Ёз фаслида энгил ва нафас оладиган матолардан тикилган кийимлар куёшининг зарарли нурларидан асрайди.

Миллий либосларимиз, аввало, юксак дид белгиси ҳисобланади. Ўзбек хотин-қизларининг кундалик либосларидан тортиб, эр йигитларнинг рангин белбоғларида, бир-биридан гўзал нақшинкор дўппиларимизда миллийлигимиз уфуриб туради.

Айтиш керакки, моҳир чеварлар ва дизайн усталари миллий либосларимиздаги анъанавий моҳиятни сақлаб, замонавий кўринишдаги янги тўпламлар яратмоқда. Илгари хотин-қизлар учун, асосан, атлас ёки адрасдан ёқа бурмали кўйлақлар тикилган бўлса, ҳозирги кунда турли тўнлар, чопонлар ва ранг-баранг халатлар урфга кирди. Миллийлик билан уйғунлашган ҳар қандай тижорий маҳсулотларнинг бозори чаққон, десак, хато бўлмайди.

Камаланинг етти рангини мужассам этган атласларимиз, адраслардаги нақшлар, ипак матоларнинг жозибаси ўзига оҳанрабодек тортади: қизил, яшил, кўк, оқ, пушти, сариқ, қирмизи ва бошқа ёрқин ранглар бахтиёрлиқни, қувончни акс эттиради. Қора ранг қайғу-изтироб туйғусига менгзалса-да, ёрқин ранглар билан бирга тасил қилинса, қирок ва мағрурликни ифода этгандек гўё.

Ўзбек миллий либосларининг яратилиши улкан меҳнат ва юксак дид натижасидир. Унда, асосан, пахта ва ипақдан тайёрланган табиий матолардан фойдаланилади. Матоларнинг ишлаб чиқарилиши ўзига хос махсус табиий муҳит ва кўл меҳнати талаб қилади. Ипак толаларини ювиш, ранглаш ва нақшини бир-бирига уйғунлаштириб

тўқиш сабр ва маҳорат тақозо этувчи санъатдир.

Ҳозирги саноатлашган даврда ҳам анъанавий ипак матоларининг сифатига етadиган даражада маҳсулот яратилган эмас. Миллий либосларимиз эса нафақат инсон саломатлигини таъминлайди, балки узоқ йиллик қадриятларимизни, шарқона одоб-ахлоқимизни ифода этади. Шу жиҳатдан, инсоннинг маданий диди ва маънавий даражаси кийган либосида намоён бўлади.

Миллий либосларимиз, аввало, юксак дид белгиси ҳисобланади. Ўзбек хотин-қизларининг кундалик либосларидан тортиб, эр йигитларнинг рангин белбоғларида, бир-биридан гўзал нақшинкор дўппиларимизда миллийлигимиз уфуриб туради.

Байрам ва тўйларда, асосан, ипақдан тайёрланган безакли либослар кийилади. Ҳар кунлик иш кийимлари эса пахта толасидан бўлиб, баданга ботмаслиги ва ҳаво ўтказувчанлиги билан қадрланади.

Таассуф билан айтмизки, глобаллашган бугунги замонда кийиниш маданиятида миллий қадриятларга зид ҳолатлар пайдо бўлмоқда. Фарбона урф-одатлар миллий ўзлик ва қадриятларнинг заволи топишига хизмат қилмаяптими?! Ахир миллий либосларимиз диний қадриятларимиз билан уйғунлашган бўлиб, бир-бирини тўлдиради-ку.

Бугун шаҳар кўчаларида ярим-ёрти кийинган ёшларни учратишимиз хавотирлидир. Бу ҳолат нафақат саломатликка зиён, балки маънавий ва ижтимоий меъёрлар бузилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ахир инсон ўзи яшаб турган теграсидаги урф-одат ва қадриятларга масъулият билан ёндашиши керак. Ёш авлоднинг жамоат ол-

кун учун ҳам ниҳоятда долзарб эканини кўрсатади.

Ёшлар — жамиятимизнинг энг фаол ва ўзгаришларга таъсирчан қатлами. Уларнинг кийиниши, юриш-туриши, дунёқарashi тарбия ва маданият билан чамбарчас боғлиқ. Бугун улар орасида турли ажнабий услубларни мода сифатида қабул қилаётганлар учраяпти. Бу ҳолат миллийликдан узоқлашишга, ўзбек халқининг дидини бошқа маданиятлар таъсирида шакллантиришга олиб келади. Шунингдек, жинслараро кийиниш чегараларининг йўқолиши, айрим аёллар ва эркекларнинг ўзаро кийиниш услубини тақлид қилиши жамиятда номувофиқ ҳолатларни келтириб чиқариши хавфи йўқ эмас. Бу эса тарбиядаги бефарқлик оқибатидан юзага келадиган ачинарли ҳолидир.

Бундай хатарли ҳолатларга қарши томошабинлик ярамайди. Бундай таҳдидларга қарши тура олиш учун ёшларда миллий гурур ва эстетик дидни шакллантириш жуда муҳим. Мамакатимизда ўтказилаётган миллий либослар кун, атлас ва дўппи фестиваллари, кўргазма ҳамда танловлар, оммавий ахборот воситаларидаги мақолалар, эшиттиришлар, кўрсатувлар ана шундай мақсадларга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, миллий либосларимиз орқали биз қайси халқ, қайси миллат ва қайси қадрият эгаси эканимизни намоён қиламиз. Уларда шарм-ҳаё, ифбат, покизалик ва улғурлик мужассам. Миллий либосларимизга эҳтиром — миллий ўзлигимизга бўлган ҳурматни тасмил этади.

Муҳтасар айтганда, кийиниш борасида униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг маънавий тарбиясида бепарволик ва лоқайдлик ҳужм ораса, ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда пайдо бўлган заиф ҳамда оҳиз нукта катта ўпқонга айланади. Шу боис ҳам барча эътилолар, тарбиячилар ва ота-оналар миллий либосларимизни асраш ҳамда тарғиботишни нафақат маданий, балки вийждон иши ва жамият олдидаги маънавий бурч сифатида қабул қилиши зарур. Зотан, миллий кийимларимизнинг безавол сақланиши миллий ўзлигимизнинг, маънавий қадриятларимизнинг бардавомлигини белгилайди.

Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира.

Бир гуруҳ ўқитувчилар
Германияда малака оширмоқда

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Лейпциг шаҳар Хунармандчилик палатаси ўртасида вилоятдаги техникумларда Германия стандартлари асосида касбга ўқитишни йўлга қўйиш бўйича келишув имзоланганди.

Ҳамкорлик

Шунга кўра, дастлаб Ғузор тумани ва Шахрисабз шаҳридаги техникумларнинг 8 нафар ўқитувчиси бир ой давомида Германияда бўлиб, малака ошириб қайтди.

— Мутахассислигимиз бўйича Германия ўқув дастурларининг ютуқлари, бугунги кунда соҳада қўлланилаётган энг

замонавий услубларни ўқиб-ўргандик, — дейди Шахрисабз шаҳар 1-сон политехникумининг бино ва иншоотлар қурилиши бўйича ўқитувчиси Ғуломжон Ғофуров. — Айни пайтда ўрганганларимизни техникумнинг ўқув дастурига жорий этдик. Германиялик ҳамкасбларимиз ҳам ишимизни кузатиб, ўз маслаҳат-

ларини бериб боришяпти.

Эътиборли томони, битирувчиларнинг дипломида ҳам қайси дастур бўйича ўқигани қайд этилади. Бу эса уларнинг малакали мутахассис сифатида нафақат мамлакатимиз, балки Европа меҳнат бозорига ҳам эркин кириб боришни таъминлайди.

Шу кунларда ҳудуддаги техникумларда фаолият юритаётган 24 нафар ўқитувчи Германияга 2 ойлик малака оширишга жўнаб кетди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Мустақкам оила – фароғат маскани

Қорақўл туманида Оила ва хотин-қизлар маскани фойдаланишга топширилди. Туман ҳокимлиги Хотин-қизлар бўлими қошида фаолият юритадиган бу гўша “оилам пойдеворини мустақкамлайман, касб-хунар эгаллайман, ўз ҳақ-ҳуқуқини биладиган, оналик масъулиятини ҳис этадиган бўлиб етишаман”, деган опа-сингилларимиз учун эшиги мудом очиқ масканга айланиши кутилмоқда.

Қулайлик

Гап шундаки, бу ерда ҳуқуқий, тиббий, психологик маслаҳатхоналар, кутубхона фаолият олиб боради. Касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмалари ҳосил қилувчи машғулотлар ўтказилади. Тикув цехи ҳам мавжуд. Никоҳланувчи ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, турмуш ташвишлари олдида қийналиб қолган оилаларни қўллаб-қувватлаш каби масалалар ҳам маскан жамоаси диққат марказида бўлади.

Маълумот тарихасида айтиш ўринлики, Қорақўл туманида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш борасида муайян тажриба тўпланган. Кейинги икки йил давомида



Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Акс садо

ИШОНЧНИ
АМАЛИЙ ИШЛАРИМ
БИЛАН ОҚЛАЙМАН

Ёшлик — инсон ҳаётидаги энг гўзал ва бахтли онлар. Бу фақат вақт нуктаи назаридан эмас, балки инсоннинг орзуларига, мақсадларга тўла бўлган энг бебаҳо даври. Ёшлик ҳар бир йигит-қизга ҳаётини ўзгартариш учун берилган энг катта тўхфа, аслида.

Умримнинг мана шундай унутилмас онларида “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланганим ва айниқса, Юрбошимизнинг ўз қўлидан бу давлат мукофотини олиш шарафига муюсар бўлганим — ҳаётимдаги энг ёрқин лаҳза, десам, сира муболага эмас. Бу шахсий ютуқ эмас, балки ҳукуматимиз томонидан ёшларга берилаётган катта ишончнинг амалий ифодасидир.

Ушбу юксак мукофот мен каби юрт равнақи йўлида меҳнат қилаётган минглаб тенгдошларимга берилган эътибор ва эътироф натижасидир. Энди бу ишонччи амалий ишларим билан оқлайман.

Сариосиё туманидаги Кончилар маҳалласида очилган “Sitara Profession” МЧЖда меҳнат қилаётган 34 нафар хотин-қиз сафини янги аъзолар билан тўлдириб, қишлоқ ёшлари қувончига қувонч қўшаман. Худудимиздаги иш билан банд бўлмаган 110 нафардан зиёд аёлларни мавсумий ишга жалб қилганимиз ҳам жуда катта ютуғимиздир. Бу каби хайрли ишлар кўламини янада кенгайтириб, ишбилармон тенгдошларимга намуна бўлиш эзгу максадим.

Шуни мамнуният билан қайд этишни истар эдимки, тадбиркорликка оид имтиёзлар, молиявий қўллаб-қувватлаш, таълим ва малака ошириш учун яратилган қулайликлар биз, ёшлар учун катта таянч ва сунъан манбаига айланмоқда. Асосийси эса юртимиз-



да ёшларга илм чўққиларини эгаллашлари, ўзининг ақл-заковати, ижодий имконияти ҳамда куч-қувватини намоён қилиши ва ривожлантириши учун шароитларнинг янги уфқлари очилаяпти. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланаётган минглаб ёшлар қаторида мен ҳам Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга ўз ҳиссамни қўшаман, деган ниятдаман. Ва фурсатдан фойдаланиб, Юрбошимизнинг биз, ёшларга билдирган ишончи ва берилаётган имтиёзлар учун ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни изҳор этаман.

Ситора ҲАКИМЖОНОВА,
Сариосиё туманидаги «Sitara Profession» МЧЖ раҳбари,
«Келажак бунёдкори» медали соҳибаси.

Дзюдо бўйича жаҳон чемпиони, «Париж — 2024» Олимпия ўйинлари голиби Диёра Келдиёрова

Халқаро дзюдо федерацияси Атлетлар комиссияси аъзолигига сайланди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилбист 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган кўлашмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.40 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6

ДУНЁ
ҲАФТА ИЧИДАИНСОН САЛОМАТЛИГИ
УЧУН ГЛОБАЛ ТАҲДИД

Дунёда ҳар олтинчи одам ёлғизликдан азият чекади. Ва ёлғизлик билан боғлиқ муаммолар йилига 871 мингдан ортиқ ўлимга олиб келади.

Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоботида қайд этилди.

Экспертларнинг таъкидлашича, ёлғиз одамларнинг депрессияга тушиш эҳтимоли икки баравар кўп. Ёлғизлик кўпинча ташвиш ва ўз жонига қасд қилиш ҳақида салбий фикрларга олиб келади. Бундан ташқари, ёлғиз одамларга сифатли таълим олиш ёки яхши иш топиш қийинроқ. Айтилишича, ёлғизликдан ўсмирлар ва ёшлар, шунингдек, кам таъминланган одамлар кўпроқ азият чекишар экан.

Эслатиб ўтамиз, 2023 йилда ЖССТ томонидан ёлғизлик инсон саломатлиги учун глобал таҳдид, деб эълон қилинган эди.

45 МИЛЛИОН БОЛА
ГУМАНИТАР ЁРДАМГА
МУҲТОЖ

ЮНИСЕФ эълон қилган ҳисоботда Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақасида 12 миллиондан ортиқ болалар кўчишга мажбур бўлгани айтилади. 40 мингдан зиёди майиб-мажруҳ, 20 мингга яқини эса ҳалок бўлган.

“Минтақадаги 220 миллион боланинг ярми можаролардан азият чекаётган мамлакатларда яшайди. Биз бу рақамнинг ўсишига йўл қўя олаемиз”, деди ЮНИСЕФнинг Яқин Шарқ ва Шимолий Африка бўйича минтақавий директори Эдуард Бегбебер.

Минтақада уй-жой, мактаб, соғлиқни сақлаш муассасалари вайрон бўлган. Болалар мунтазам равишда ҳаёт учун хавфли вазиятларда яшашга ва кўчишга дучор бўлмоқда. Бу, одатда, болаларга бутун умрлик руҳий зарбалар беради. ЮНИСЕФ ҳисоб-китобларига кўра, 2025 йилда минтақа бўйлаб 45 миллион бола гуманитар ёрдамга муҳтож бўлиши мумкин.

ДРОНЛАР ЭВЕРЕСТНИ
ЧИҚИНДИЛАРДАН
ТОЗАЛАМОҚДА

Авваллари тоғ тизмасини тозалаш вазифаси анъанавий равишда гид ва юк ташини вазифасини бажарадиган маҳаллий шерпа халқи вакилларига юкланган эди. Улар қор ёки муз билан қопланган хавфли йўналишлар бўйлаб ўнлаб килограмм чиқиндини қўлда олиб тушган. Жорий мавсумда маҳаллий ҳокимият Хитойнинг “DJI” дронларини хариж қилди. Уларнинг ҳар бири илгари бир неча киши кўтариши мумкин бўлган юкни олиб учишга қодир.

“Airlift” хизмати провайдери бундай тозаловчи дронлардан фойдаланишни кенгайтирмоқчи. Лойиҳа менежери Милан Пандейнинг айтишича, компания Непал ҳукумати билан фаол ҳамкорлик қилаётди ва Ҳимолай оралиғидаги турли бандлиқларда янги дрон моделларини синовдан ўтказмоқда.

Эверест тоғидаги чиқиндилар тоғ туризмнинг энг долзарб экологик муаммоларидан бири. Таҳминларга кўра, Эверестда 50 тоннадан ортиқ чиқиндилар тўпланиб қолган. Уларнинг миқдори ҳар йили 3 тоннага кўпайиб боради.

ЎРТА ЕР ДЕНГИЗИДА
ҲАРОРАТ АНОМАЛ ДАРАЖАГА
КЎТАРИЛДИ

Ерни сунъий йўлдошлар орқали кузатувчи “Copernicus” хизмати маълумотига кўра, шу йил июнь ойида Ўрта ер денгизининг айрим ҳудудларида сув ҳарорати мавсумий меъёрдан 5 даражадан кўп ошган. 1 июль кунги эса максимал ҳарорат 29,85 даражага етган. Бу, айниқса, Балқар ороллари, Испания ва Франциянинг денгиз қирғоғи соҳилларида аниқ сезилган.

Бу хусусда “Der Spiegel” нашрида хабар берилган. Олимлар рекорд даражадаги иссиқ сув тўлқинлари 2022 ва 2023 йилларда кузатилгани, энди эса бу экстремал иссиқлик босқичлари гайриоддий даражада узоқ давом этаётганидан хавотирда. Бунинг оқибатида балиқлар бошқа ҳудудларга кўчмоқда ёки популяциялар камаймоқда.

Мутахассислар табиатда барча ҳодисалар ўзаро боғлиқлигини эслатиб, илқроқ сув “кўпроқ жамланган энергия” эканини айтмоқда. Бу эса буғланишдан кейин ҳаво намлигининг ошишига, тўфонлар, сув тошқинлари ва кучли бўронларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳодисалар бошқа денгизларда ҳам кузатилмоқда, океанлар энди ортиқча иссиқлиқни ўзлаштира олмаётти.

Олимларнинг ҳулосасига кўра, Ернинг энергетик мувозанати бузилган.

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.